

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ СУБЪЕКТЛАРИ КОМПИТЕНТЛИГИНИ ОШИРИШДА ГРАНТ ЛОЙИХАЛАРИ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Хамидов Мансуржон Абдухалилович

– Осиё халқаро университети

“Педагогика ва психология”

йўналиши 2-босқич магистри, Навоий

вилояти “Ноила” ижтимоий

кўмак, ҳуқуқий тарғибот

ва мониторинг маркази раҳбари

Маҳмудова Зулфия Меҳмоновна –

Бухоро давлат Университети

психология бўйича фалсафа доктори

Аннотация:

Мазкур мақолада жамоатчилик назорати субъектлари компитентлигини оширишда замонавий илғор тажрибалар ва уларни маҳаллий миқёсда қўллаш амалиёти, халқаро лойиҳалар асосида маҳаллий давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашлари ролини такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш, мазкур тузилмаларнинг ҳудудларда секторлараро ўзаро ижтимоий самарали шерикчиликни ривожлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги масъулияти ва компитентлиги ҳамда уларнинг вазифалари ёритиб берилган. Маҳаллий миқёсда секторлараро ижтимоий шерикчиликни ривожлантиришда жамоатчилик назорати фаолияти субъектларининг роли ва аҳамияти, уларнинг компитентлиги таҳлил қилиниб, бошланғич даврий хулосалар берилган.

Калит сўзлар:

Фуқаролик жамияти, жамоатчилик назорати субъектлари, компитентлик, ижтимоий шерикчилик, ННТ, ОАВ, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, халқаро грант лойиҳаси, жамоатчилик Кенгашлари.

Кишилиқ жамияти вужудга келиши ва шаклланиши давлатчилик асосларига туртки бўлган. Фуқаролик жамияти ҳамда ҳуқуқий давлат инсоният томонидан асос солинган давлат ва жамият ҳаётининг энг олий шакллариدير.

Жамият ва мамлакат равнақи унинг иштирокчилари ҳаракати билан амалга ошади. Бу жараёнда эса жамоатчилик назорати алоҳида ўрин тутди. Маълумки, Ҳаракатлар стратегияси билан бошланган инсон қадри, ҳуқуқ ва эркинликлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлидаги сиёсат ва кенг қамровли ислохотлар бугун Тараққиёт стратегияси асосида жадал давом этмоқда. Бу ўз навбатида, албатта, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, уларга кўпроқ ҳуқуқ ва ваколатлар бериш билан узвий ҳолда кечмоқда.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан биргаликда нодавлат ноижорат ташкилотларнинг иштирок этиши жамият ҳаётининг демократик жараёнлар билан боғлиқ асослари чуқур илдиз отиб, мустаҳкамланиб бораётганини англатади. Президентимиз таъбири билан айтганда, муҳим ижтимоий омиллардан бири – жамоатчилик назорати механизмларини амалда татбиқ этиш, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситалари ролини кучайтириш каби йўналишлар амалга оширилаётган ислохотларнинг таркибий қисмига айланди.

Бугун шунчаки жамоатчилик назоратини эмас, балки таъсирчан жамоатчилик назоратини ривожлантириш масалалари Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026-йиллар мобайнидаги ривожланиш йўлининг асоси ҳисобланган Тараққиёт стратегиясининг “Инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш” номли биринчи устувор йўналишида алоҳида мақсад сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жамоатчилик назорати субъектлари фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларидир. Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Статистик маълумотларга кўра, мамлакатимиз аҳолиси 2024 йил 1 октябр ҳолатида 37,8 миллион киши бўлиб, жамоатчилик назоратини фаол амалга ошириш имкониятига эга бўлган 15 ёшдан юқорилар қарийб 25,0 миллиондан иборат. Ҳозир юртимизда 9349 та фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи мавжуд, шунингдек, 9 077 та нодавлат нотижорат ташкилот фаолият юритиб келмоқда. Бундан ташқари, миллий ахборот маконида оммавий ахборот воситалари сони 1962 тани, интернет нашрлари 733 тани ташкил этади.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар, ветеранлар ва ногиронлиги бўлган шахслар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар, юртдошлар уюшмалари ва фуқароларнинг бошқа бирлашмалари жамоат бирлашмалари тарзида сўнгги йилларда жамоатчилик назорати субъектлари сифатида кенг қўламли фаолиятни амалга оширмоқда.

Таъкидлаш жоиз, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари – газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар, теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар бугун халқ овози, том маънода, “тўртинчи ҳокимият”га айланмоқда¹.

Фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази 2021 йил 9 декабрда айнан Янги Ўзбекистонда аҳолининг эҳтиёжманд қатламлари

¹ Ф.Отахонов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директори, юридик фанлар доктори, профессор

манфаатларини юзага чиқариш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, жамиятда ўз ўрни ва салоҳиятини топишда жамоатчилик назорати субъектлари компитентлигини ошириш учун ташкил этилган бўлиб, ҳозирда айнан жамиятда жамоатчилик назорати субъектлари ролини ошириш, маҳаллий давлат ва нодавлат органлар ўртасида самарали ижтимоий шерикчиликни такомиллаштириш бўйича илмий изланишлар олиб бормоқда.

“Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази ўтган давр мобайнида Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат Фонди томонидан молиялаштирилган “Таъсирчан жамоатчилик назорати – маҳаллабай ишлашда муҳим омил”, шунингдек, “Ҳуқуқни англаш – масъулият хиссини ривожлантиради” номли лойиҳаларни муваффақиятли амалга оширди.

Мазкур лойиҳалар доирасида 2022 йилда вилоятдаги 300 дан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари ва жамоатчилик тузилмалари жамоатчилик назорати шакл ва механизмлари бўйича ўқитилди, бу борада зарур амалиёт яратилди. Мазкур лойиҳа доирасида жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг хонадонбай ўрганиш механизмлари яратилди. Айнан маҳалла фуқаролар йиғинлари масъулларининг ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этилишида жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикчилик шаклларида самарали фойдаланиш методлари ўзлаштирилди.

Навоий вилояти “Ноила” ижтимоий кўмак, ҳуқуқий тарғибот ва мониторинг маркази раҳбари сифатида 2024 йил 24-27 апрель кунлари Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек шаҳрида Америка тараққиёт агентлиги (USAID) ҳузуридаги Chemonics International Inc. компанияси кўмагида “Марказий Осиёда маҳаллий ривожланишни бошқариш модели: Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасида тажриба алмашиш” мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этилиб, маҳаллий давлат ва нодавлат органлари ўртасидаги ўзаро ижтимоий шерикчилик, самарали ҳамкорликнинг илғор тажрибалари муҳокама қилинди.

2024 йил 7 июнь куни Тошкент шаҳрида марказ раҳбари ва тадқиқотчи сифатида Ўзбекистон Республикаси LGA лойиҳаси, “Марказий Осиёда

иқтисодий ривожланиш учун самарали бошқарув” (EGED) дастури билан ҳамкорликда USAIDнинг Ўзбекистондаги ва Қозоғистондаги ваколатхонаси вакиллари, Буюк Британия элчихонаси вакиллари иштирокида ўтказилган халқаро анжуманда “Ўзбекистонда маҳаллий давлат органлари ва жамоатчилик тузилмалари ўртасида ижтимоий шерикчиликни такомиллаштириш тенденциялари” мавзусида илмий маъруза қилинди.

Олий Мажлис жамоат Фондининг “Ҳуқуқни англаш – масъулият ҳиссини кучайтиради” номли грант лойиҳаси доирасида “Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари сифатида тадқиқотчи М.Хамидов томонидан 2023-2024 йилларда жамоатчилик назорати субъекти сифатида вилоятдаги 18 та маҳаллий давлат органлари ҳузурида жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини самарали ташкил қилинди.

Бунинг натижаси ўлароқ 2024 йил август-октябрь ойларида Парламент ва маҳаллий вакиллик органларига сайловлар жараёнида “тўсиқсиз муҳит” талаблари бўйича вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида участка сайлов комиссияларида ногиронлар, кўзи ожизлар ва кар-соқовлар учун яратилган шарт-шароитлар ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари томонидан 40 дан ортиқ жамоатчилик назорати тадбирлари доирасида ўрганилди.

“Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари сифатида тадқиқотчи М.Хамидов 2024 йил 1-11 октябрь кунлари Польша Республикаси пойтахти Варшава шаҳрида бўлиб ўтган Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик жамиятининг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (ДИИХБ) ҳамкорлигида инсонийлик мезонларига бағишланган халқаро анжуманда иштирок этди. 57 та давлат ва 20 дан ортиқ халқаро ташкилотлар иштирок этган мазкур нуфузли анжуманда маҳаллий давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида инсон ҳуқуқларини таъминлашда ўзаро самарали ижтимоий ҳамкорлик ва жамоатчилик назорати юзасидан тадқиқот натижалари бўйича маъруза қилинди.

“Ноила” ИКХТМ маркази раҳбари сифатида тадқиқотчи М.Хамидов Америка тарққийёт агентлиги (USAID) ҳузуридаги Chemonics International Inc. компанияси томонидан амалга оширилаётган “Маҳаллий давлат ҳокимиятини ривожлантириш” лойиҳаси доирасида “ТАЖРИБА МАЙДОНИ: Маҳаллий давлат органлари ҳузурида жамоатчилик Кенгашлари ролини ошириш – фуқаролик жамияти ривожда муҳим қадам” номли лойиҳаси билан ғолиб бўлди.

Мазкур лойиҳаси асосида ажратилган қарийб 60 000 АҚШ доллари маблағи доирасида Навоий шаҳри, Навбаҳор ва Қизилтепа туманларида маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш ва методик таъминлаш ишлари олиб борилади. Шу билан биргаликда ННТнинг Навоий шаҳри, Навбаҳор ва Қизилтепа тумани ҳокимликлари ва вилоят ҳамда тегишли шаҳар ва туман ҳокимликлари Жамоатчилик Кенгашлари билан самарали ижтимоий шерикчилиги таъминланади.

Мазкур халқаро грант лойиҳаси доирасида хорижий илғор тажрибалардан маҳаллий ислохотларда самарали фойдаланиш, Навоий вилоятидаги Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида жами 60 та маҳаллий давлат органлари ҳузурида Жамоатчилик Кенгашлари фаолиятини намунали тарзда йўлга қўйиш ва методик таъминлаш, мазкур маҳаллий давлат органлари ҳузуридаги Жамоатчилик Кенгашларининг соҳадаги маҳаллий ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги роли ва иштирокини кенгайтириш, жамоатчилик Кенгашларининг жамоатчилик назоратини кучайтиришдаги таъсир доирасини ошириш, Навоий шаҳар, Қизилтепа ва Навбаҳор тумани тажрибасини вилоят миқёсида оммалаштириш ҳамда кенг қўлланилишига эришиш режалаштирилган.

Ўн ойга мўлжалланган мазкур халқаро грант лойиҳаси асосида олиб бориладиган тадқиқот натижаларига томонидан пилот ҳудудлар Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларида 20 тадан маҳаллий давлат органлари танлаб олинади.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва тегишли меъёрий ҳужжатлар асосида танлаб олинган маҳаллий давлат органлари билан ҳамкорликда улар ҳузурида жамоатчилик Кенгашлари таркиби қайта (таркибга ҳудуддаги соҳада фаолият олиб бораётган 50%га яқин ННТлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари киритилади) шакллантирилади, уларга меъёрий ҳужжатлар асосида ишни қандай ташкил этиш ва давом эттириш бўйича методик ёрдам кўрсатилади. Яъни улар билан 3 та модуль асосида “Жамоатчилик Кенгашлари фаолияти”, “Жамоатчилик назоратини амалга ошириш тамойиллари”, “Секторлараро самарали ижтимоий шерикчиликни ривожлантириш масалалари” мавзусида тегишли етук мутахассис ва экспертларни жалб қилган ҳолда ўқув дастурлари амалга оширилади. Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Навбаҳор тумани маҳаллий давлат органлари ҳузуридаги жамоатчилик Кенгашларига доимий методик ёрдам кўрсатиб бориш мақсадида электрон “Мулоқот гуруҳи” фаолияти йўлга қўйилади ва уларни қизиқтирган ҳар бир саволга доимий равишда жавоб бериб борилади.

Тадқиқотлар натижасида Навоий вилояти пилот ҳудудларида ҳар бир ҳудудда 20 та маҳаллий соҳада мавжуд ижтимоий масалаларни ҳал этишда жамоатчилик назорати самарадорлиги ошади, юзага келаётган масалаларни ижтимоий шерикчилик тамойиллари асосида ҳал этиш имкониятлари ривожланади, коррупцияга қарши курашиш ҳамда маҳаллий бошқарувни такомиллаштиришда рақобат ва бир-бирини тийиб туриш муҳити юзага келади. Жамоатчилик Кенгашлари аъзоларининг соҳадаги билим ва кўникмалари ортади.

Навоий вилоятидаги пилот ҳудудлар – Навоий шаҳри, Қизилтепа ва Навбаҳор туманларига ҳар бирида 20 тадан маҳаллий давлат органлари ва улар ҳузурида ташкил этиладиган Жамоатчилик Кенгашининг (ҳар бирида ўртача 15 нафардан $60 \times 15 = 900$) жами 900 нафар бенифициарларнинг “Жамоатчилик Кенгашлари фаолияти”, “Жамоатчилик назоратини амалга ошириш тамойиллари”, “Секторлараро самарали ижтимоий шерикчиликни

ривожлантириш масалалари” мавзусида билим ва кўникмалари ортади. Ўз ҳудудида жамоатчилик Кенгаши аъзоси сифатида жамоатчилик назоратини амалга ошириш, секторлар билан ижтимоий шерикчиликни амалга ошириш лаёқати пайдо бўлади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда секторлараро самарали ижтимоий шерикчиликни такомиллаштириш ҳамда жамоатчилик назоратини ривожлантиришда, хусусан жамоатчилик назорати субъектлари компитентлигини оширишда маҳаллий, Республика ва халқаро грант лойиҳаларининг ўрни бекиёсдир. Албатта молиявий манба жуда катта аҳамиятга эга ҳисобланади. Жамоатчилик назорати субъекти сифатида ҳар қандай нодавлат ноижорат ташкилоти ва фуқаролик жамияти институтининг молиявий мустақиллиги таъминланса ва унинг мақсадли лойиҳалари молиялаштирилсагина унинг ўз устав мақсадларини тўлақонли амалга ошириш имконияти пайдо бўлади ва буни қила олади.